

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ШЕЪРИЯТИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

*Комила Пардаева,
ЖДПИ Умумий педагогика
кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада Абдулла Авлоний шеърият орқали маърифатпарварлик ғояларини илгари суради.

Калит сўзлар: Абдулла Авлоний, маърифатпарварлик, шеърият, ғоя.

Ўзбек халқининг маданий-маърифий, ижтимоий-педагогик тараққиёти ривожига бекиёс ҳисса қўшган маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг серқирра фаолиятида лирик мероси алоҳида ўрин тутади.

Ҳар бир ижодкор ўз асарларида энг юксак орзу-интилишларини, нозик инсоний кечинмаларини, армону изтиробларини, ижтимоий-маърифий қарашларини ўзига хос услуб ва усулларда ифодалашга интилади. Абдулла Авлоний ҳам шу маънода шеъриятга мурожаат қилади, ёниқ руҳ ила мавжланган қалб асрорларини, эзгу ниятларини, армону умидга қоришган оташин ҳисларини насрий ва драматик асарлари билан бир қаторда шеърий манзумаларида янада ёрқин ва таъсирчан акслантиради.

Абдулла Авлонийнинг 1930-34 йилларда Ўрта Осиё университети тил ва адабиёт кафедраси мудири, профессор сифатида фаолият олиб боргани ҳам унинг адабиётга ошно, бадиий ижодга ошуфта қалб соҳиби бўлганлигидан далолатдир. Ушбу даврда аллома ўзбек мактабларининг 7-синфи учун “Адабиёт хрестоматияси” тузиб, 1933 йилда нашр эттиради. Авлоний ўз бадиий-публицистик фаолияти давомида Ҳижрон, Набил, Индамас, Шухрат, Тангрикули, Сурайё, Шапалоқ, Чол, Аб, Чиғабой, Абдулҳақ тахаллуслари билан танқидий ва илмий мақола, 4000 мисрадан ортиқ шеър ижод қилган.

Манбаларда қайд этилишича, Абдулла Авлоний шеъриятга 1894 йилдан бошлаб кириб келган. Аммо адибнинг ушбу даврлардаги илк шеърлари бизгача етиб келмаган. Унинг 1917 йилгача бўлган поэтик мероси, асосан, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” деб номланган 4 қисмдан иборат шеърий тўпламларида жамланган. Манбаларда мазкур шеърий тўпламларнинг ҳар бири 1909-1917 йиллар оралиғида алоҳида-алоҳида бир неча маротаба нашр қилинганлиги қайд этилади. Шунингдек, шоир шеърларини ўша давр вақтли матбуоти саҳифаларида ҳам тез-тез эълон қилиб борган. Бу шеърларнинг деярли ҳаммаси мазкур тўпламларга киритилган.

“Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўпламидагаи шеърларнинг аксарияти шоирнинг 1905 йилдан кейинги ижодига мансуб бўлиб, уларда маърифий-ахлоқий ғоялар, миллий-ижтимоий характер устуворлик қилади. Поэтик қонуниятлар асосида гўзал бадий шакллантирилган ушбу шеърлар моҳият-мазмунда даъват, чақириқ руҳи ҳукмронлик қилади. Бу орқали адиб инсоният учун энг муҳим бўлган руҳий-маънавий, ижтимоий-маърифий ғоя ва тушунчаларни чуқур тарғиб этишга уринади:

Аё эй соҳиби урфон! Ватан боғинда фарёд эт,
Отибташлаародинэскиодатларнибарбодэт.
Маорифлафунунтаҳсилақилрахнамолиғ сан,
Қоронғудақоланмиллатнинуриилмаиршодэт.
Ватанмеҳриагарбўлсадилигдаишқсавдоси,
Отилнуримаорифга, ўзингнимисли Фарҳодэт!.

Адибушбу шеър парчада илм эгаллашинсон ҳаётининг муҳим мақсад бўлмоғини таъкидлайди. Ўз фикри таъсирчанлигини, бадий-эстетик пафосини оширишда эса халқнинг севимли адабий қаҳрамон, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги комилликка интилувчи, олий эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Фарҳод образидан фойдаланади. Агар қалбингда Ватан муҳаббати барқарор бўлса, Фарҳод мисоли маърифат нурига шўнғиб, замонавий билимларни эгаллаб, маориф, таълимни ривожлантириш орқали миллатни ёруғликка олиб чиқ, дея қатъий уқтиради.

Дарҳақиқат, миллатнинг равнақи эмас, яшаши учуноқ илм керак. Илмсиз фаровон ҳаётга эришиб бўлмайди, албатта. Шоир ушбу муҳим фикрни анъанавий шаклда ифодалаган. Маърифатга муҳаббатини эълон қилиб, барчани шунга чорламоқда. Бу биргина Авлоний эмас, умуман шу давр шеърятининг хос хусусиятларидан саналади. Зотан, даврнинг кескин ва зиддиятли нафаси, оғриқли вазиятлари ижод аҳлидан илму маърифатни, ижтимоий-маънавий юксалишни тарғиб этишни талаб қиларди. Ушбу замон ижодкорларининг ўй-фикрини гул-булбул ташбиҳи эмас, маҳбубасини ағёр йўлдан урган ошиқ кечинмалари ҳам эмас, аср бошидаги афтодаҳол Туркистоннинг аянчли қисмати, йилдан-йил эмас, кундан-кун ажодлар хотирасини, ўзлигини унутиб, тарихдан узилиб бораётган авлод банд қилди. Улар ҳуқуқсиз халқ бахтли бўла олмаслигини англадилар. Манбалар худди шу сабабли Сиддиқий Ажзий ўзининг “хуштабъ”лик билан ёзилган ишқий шеърятидан воз кечгани, уларни куйдириб ташлаганини кўрсатади. Авлонийнинг 90-йилларда ёзилган, эҳтимолки, ишқий характерда бўлган шеърларининг бизгача сақланмай қолганлиги сабаби шундандир.

Авлоний ўз тафаккурида эрк ва озодликни ҳар нарсадан баланд тутиб, илм-маърифатни унга олиб борадиган бирдан-бир йўл деб билади. Шу сабаб Ватани, халқи учун заррача манфаат етказишни ўйлаган кишини маърифатга даъват этади. Унинг ижодий ишларида илм-фанни эгаллашга, озгина бўлсин, халақит бериши мумкин бўлган ҳар қандай тартиблар, шу жумладан, эски ўқитиш усули кескин танқид қилинди. Илм-маърифат, айниқса, Европа маданияти илҳом билан тарғиб этилди.

Маълумки, миллат, жамият тарбиясида маърифат бемисл аҳамият касб этади. Уни амалга ошириш асосан зиёлилар, биринчи навбатда, олиму муаллимлар, шоиру санъаткорлар зиммасида бўлади. Агар миллат ҳақ-ҳуқуқини йўқотган, асрий илму маърифатидан узоқлаштирилган, ўзлигини унуттаётган бир ҳолга тушиб, жамият маънавиятидан маҳрум даражага етган бўлса, зиёли зиммасидаги иш ўн, балки юз карра оғирлашиб қолиши табиий.

Адабиётнинг тасвир объекти—ҳаёт, унинг долзарб масалалари. Унда ҳаётнинг барча қирралари—шиддаткор тўлқинларидан майин мавжларигача, нурли оҳанглари данғамгиннидоларигача, тантанавордамлариданфожиалидақиқаларигачатасвир этилиши зарур. Улар инсонруҳидақатрадагикуёшдекжамулжам. Адабиётмана шу руҳнингтаржимонибўлмоғилозим.

Авлоний «Адабиёт...» шеърийтўпланининг 3-жузига:

Қаламимқорасидуроғодостонимдан,

Ҳазинқайғумэшитинг у таржумонимдан,-

дегансатрларни эпиграф қилибкелтирар экан, бу билан тўпладан ўрин олган шеърларинингғоявий-бадий мазмун-моҳиятига ишорақилади.Замонки ҳақсизлика сосига қурилган, атроф зулмат ва қабоҳатдан иборат экан, у шодон бўлаолмайди. Буни у 1909 йилдаёқ “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”нинг 1-жузидаги сўзбошида таъкидлаб кўрсатган, “шеъргаҳарис” халқига“ ҳасрат ва надоматлар”ини айтишга бел боғлаган эди. Шу маънода, ўзига “Ҳижрон” тахаллусини танлашитасодиф эмасдир.

Авлоний шеърларини ўқир экансиз, кўз олдингизда XX аср бошидаги Туркистон манзаралари гавдаланади. Шоир унга юксакдан, дунё халқлари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, Европадаги тараққиёт нуқгаи назаридан разм солади.

Мана, тараққиёт асридаги Туркистоннинг рангсиз, жонсиз ҳаётидан лавҳалар:

Самоварга чиқишуб, ёшу қари чулдирашур,

Эртадан кечғача чойни ичадур шўлдур-шўлдур.

Ўлтурубмақташадуротини, эшакларини,

Бири дер — йўрға, бири дер:-сеники-дулдур-дулдур.

Уйдаочўлтурадурхотини, эр — тўкмаеяр,
Келтуруббачча, базмларгакетарпулдур-пулдур.
Ўйнабонқарта-кимор, пуллари ни бой берибон,
Том тешиб, бўхчаўғирлаб, одам ўлдур-ўлдур.

Булавҳалардан аста-секин Туркистоннинг яхлит манзараси ҳосил бўлади. Дилнидим иқтирувчиб усўлғин ранг қанчалик жирканч бўлса, шунча аянчли ҳамдир. Бутуйғулар бора-бора шоирда жуда табиий эҳтирослар пўртанасига айланади: “Хонумониҳароб”, “бойқушларга ҳамдам”, фарзандлари “ҳайкал” дек жонсиз, “вайрон” Туркистон! Йўқ! “Саҳнижонлик жаноза бирлан тўлгон” “буюк мазор!” Унга ўлик кимсалар— “мадфунзиндалар” кўйилган. Бутири кўликлар— Туркистоннинг букунгиноқобилавлодларидир. Унинг ҳволига ер ҳам, осмонҳамийғлайди. У –ҳамфақир, ҳамҳақир. Бир тарафдан жаҳолат, иккинчи томондан хорлик. Шу аҳволда у “баданидан дои-моқонолдиради”—мустамлакачилик жафосини тортади.

Маризингбиртарафдан, биртарафданхорсан—миллат,
Бадандан доимо қонолдуарбеморсан—миллат.

У на “тили”, на “қулоғи” бўлмагансуратидевор. Бу мудҳиш ҳол шоирни ларзага солади. Бутун вужуди билан унинг “кўз очиб” дунёга размсолишини, “уйғон” ишини истади:

Кўзингоч, ётма, ғафлатданўсон, миллат, ўсонмиллат!
Топар сан бирлаавлодингомон, миллат, омонмиллат! —
деб ҳайқиради шоир.

Муҳими шундаки, шоирдаги миллий ҳасрат нидолари ижтимоий оҳангбилан ҳам овоз жаранглайди. У ҳамиша халқ, миллат дардини ўз дардидан устун кўяди. Бутун ҳаёти давомида, илмий-ижодий фаолиятида миллатнинг маърифатли бўлиши, ёш авлоднинг замонавий билимларни эгаллаб, жамият равнақи йўлида хизмат қилиши борасида қайғурди.

Юқоридаги таҳлиллар кўрсатадики, Абдулла Авлоний шеърятининг ҳам асосий мавзуси миллат маърифати бўлган. У ўзининг миллий ватанпарварлик руҳидаги илғор ғояларини, фалсафий қарашларини лирик кечинмалари замирига сингдириб, халқни илм-зиё эгаллаш орқали ёрқин келажакка эришишга чорлаган. Эл-юрт, Ватан тақдирини барча манфаатлардан устун кўрган. Адиб ўзининг янги поэтик услуб ва топилмалари, ранг-баранг ифода усуллари ва янги поэтик образлари билан XX аср замонавий ўзбек шеърятини янгилашга, ривожлантиришга ҳам юксак ҳисса қўша олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. // Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т, 1995.
2. Авлоний А. Тошкент тонги. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, – Т., 1979
3. Зуннунов А. Педагогика тарихи. // Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2004.
4. Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: “Маънавият”, 2004.
5. Pardayeva, K. (2019). THE GREAT UZBEK WRITER ABDULLA AVLONI'S VIEWPOINTS CONCERNING EDUCATION AND UPBRINGING. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12)*.
6. Pardayeva, K. (2020). IT IS IMPORTANT TO STUDY ABDULLA AVLONI'S DIDACTIC HERITAGE AS A PEDAGOGICAL NEED. *АрхивНаучныхПубликаций JSPI*.
7. Pardayeva, K., Tangirov, A., & Muxammadiyeva, S. (2020). The Use Of The Humanistic Ideas Of Khoja Ahmad Yassavi In The Teaching Of Pedagogical Sciences. *АрхивНаучныхПубликаций JSPI*.
8. Pardayeva, K. (2020). JADID MA'RIFATI AND ABDULLA AVLONI'S SOCIAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY. *АрхивНаучныхПубликаций JSPI*.
9. Pardayeva, K. (2020). АБДУЛЛААВЛОНИЙИЖОДИДАМАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙҒОЯЛАРНИНГПОЭТИКИҒОДАСИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
10. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONI'S WORKS AS A METHODOLOGICAL SOURCE OF THE CONTINUOUS SPIRITUAL EDUCATION PROCESS. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONIY ASARLARI UZLUKSIZ MA'NAVIY TARBIYA JARAYONINING METODIK MANBASII SIFATIDA. *АрхивНаучныхПубликаций JSPI*.
12. Pardayeva, K. (2020). УЗЛУКСИЗМАЪНАВИЙТАРБИЯЖАРАЁНИДААБДУЛЛААВЛОНИЙАСАРЛАРИДАНҒОЙДАЛАНИШСАМАРАДОРЛИГИ. *АрхивНаучныхПубликаций JSPI*.
13. Pardayeva, K. (2020). МАЪРИФАТПАРВАРАБДУЛЛААВЛОНИЙИЖОДИНИНГДИДАКТИКХУСУСИЯТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
14. Pardayeva, K. (2020). ABDULLA AVLONI'S WORKS AS A METHODOLOGICAL SOURCE OF THE CONTINUOUS SPIRITUAL EDUCATION PROCESS. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

